



XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ

Хақимжонов Хилола Парвозбек қизи

АндУ Ўзбекистон тарихи кафедраси магистранти

Хасанов Жасурбек Маматқодирович

Илмий раҳбар АндУ Ўзбекистон тарихи кафедраси в/б доценти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-May 2023 yil

Ma'qullandi: 06-May 2023 yil

Nashr qilindi: 12-May 2023 yil

KEY WORDS

*Машинасозлик саноати, темир
йўл, саноат корхоналари.*

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудида машинасозлик саноати Россия империяси ва Собиқ Совет ҳокимияти даврида қандай бўлганлиги ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистонда машинасозлик саноати маълум бир ривожланиш босқичини босиб ўтган бўлиб, ўз тарихига эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Айни пайтда машинасозлик саноати Ўзбекистонда саноатнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Собиқ Совет ҳокимияти даврида ҳам бу соҳа республика саноатининг ажралмас қисми сифатида тафсилланади. Бироқ ўша давр учун барча соҳалар сингари машинасозлик саноати ҳам собиқ иттифоқ манфаатларига бўйсундирилган эди. Собиқ Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг асл моҳияти ҳаспўшланиб, саноатнинг бир томонлама ихтисослашуви, ишлаб чиқаришнинг сунъий жадаллаштирилиши, республика саноатининг асосан қишлоқ хўжалигига тегишли саноат корхоналарини ривожлантиришга йўналтирилиши тарихда из қолдирган бироз ачинарли ҳодиса ҳисобланса ҳам, аммо, Россия империяси томонидан Ўрта Осиё ҳудудларининг босиб олиниши ҳамда мустамлакачилик сиёсатининг янада кучайтирилиши ўлкада саноат корхоналарининг вужудга келиши ва ривожланишига ўзига хос замин яратди. Очiq тан олиб айтиш керакки Ўрта Осиё ҳудуди хонликлар даврида ривожланишда бошқа мамлакатлардан айниқса ғарб мамлакатларидан анчагина ортда қолган эди. Ўз-ўзидан саноатининг ҳам турли соҳалари, хусусан машинасозликнинг вужудга келиши ҳамда тараққиёти ҳақида ҳам хонликлар даврида олдинга силжиш бўлмаган..

Туркистон ўлкасида дастлабки машинасозлик саноати корхоналари XX аср бошларида вужудга келди. XX аср бошида ўлкада металлга ишлов бериш саноати 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат эди. Уларда, асосан, темир йўл, пахта тозалаш ва ёғ заводлари ускуналарини таъмирлаш ишлари бажариларди¹. Лекин бу соҳанинг ҳали яхши ривожланмаганини ялпи саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида оғир саноат ва

¹ <http://uz.denemetr.com>

металлга ишлов бериш тармоғининг ҳиссаси 1,3%ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин².

Шу ўринда қайд этиш керакки, Туркистон ўлкаси Россия саноати учун пахта етиштириб берадиган асосий ҳудудий база ҳисобланиб, айнан темир йўлларнинг қурилиши ўлкада машинасозлик соҳасининг илк кўриниши, яъни машинасозлик устахоналарининг пайдо бўлиши ва ривожланишига дастлабки пойдевор вазифасини ўтаб берди.

1900 йилда Тошкентда ташкил этилган металлга ишлов берувчи Бош темир йўл устахонаси ўша даврнинг йирик корхоналаридан бири эди. 1920 йиллардан қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспортни ривожлантириш зарурати билан мавжуд таъмирлаш корхоналари кенгайтирилди, янгилари қурила бошланди.

Айни шу жиҳатдан республикада машинасозлик корхоналари мажмуаси XX аср бошларида ташкил этилганини ҳисобга оладиган бўлсак, асосан, қишлоқ хўжалиги учун машиналар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фаолият ўша давр нуқтаи назаридан Ўзбекистон учун янги соҳа ҳисобланганини эътироф этиш мумкин.

1917 йилда бўлиб ўтган сиёсий ўзгаришлар ўлка ҳудудларида шаклланган илк машинасозлик мажмуалари тақдирини тубдан ўзгартириб юборди. Бу соҳага жуда катта эътибор берила бошланди. Босқичма-босқич Россия ҳудудида, кейин эса ўлка ҳудудларида ҳам машинасозлик устахоналари кўпайтирилди ҳамда конструкторлик бюрolari ташкил этилиб, уларнинг фаолияти кенгайтириб борилди.

Ўша даврдаги жараёнларга тарихийлик нуқтаи назаридан баҳо бериб, айрим фактик материалларни келтириб ўтиш фойдадан холи эмас. Бу даврдаги “марказлаштирилган бошқарув айрим республикалар иқтисодий шароити ранг-баранглигини ҳисобга олишга ҳалал бергани ҳолда, кўрсатма шаклида бирёқлама иқтисодий мажмуаларни вужудга келтириш имконини берарди”³.

Жумладан, 1927 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 62,6%, саноатнинг салмоғи 34,8%ни ташкил этарди. Саноат ишлаб чиқаришининг 90%и қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди. Шундай экан, ўлкада ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришни таъминлайдиган, шаҳар ва қишлоқларда мавжуд ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби ва техникавий негизини тубдан ўзгартирадиган, замонавий техника билан муомала қилишга қодир етарли миқдордаги миллий кадрларни вужудга келтира оладиган саноатни жойлаштириш муҳим эди⁴.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб Ўрта Осиёда машинасозлик устахоналари кўпайгани муносабати билан илк билим юртлари ташкил қилинди ва уларнинг зиммасига ушбу соҳа учун керакли кадрларни етиштириш вазифаси юклатилди⁵.

² Ахмедов А., Сайдаминова М. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. Иккинчи тўлдирилган нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –Б. 23.

³ Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917 – 1941 й.). –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012. –Б. 203.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ. 2000. –Б. 339-340.

⁵ Ахмедов А., Сайдаминова М. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. Иккинчи тўлдирилган нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –Б. 23.

1917 йилда техникумларнинг сони оз бўлган бўлса, 1920-йилларга келиб уларнинг сони бир нечага ошган, улардан Тошкент областидаги машинасозлик ва асбобсозлик техникуми, Тошкентдаги металлга ишлов бериш ва сварка технологиялари ўргатиш мутахассисликларини ўз ичига олувчи техникумлар шулар жумласидандир. 20-йилларга келиб эса техникумларнинг сони 20 тадан ортган⁶.

Биринчи беш йиллик (1928-1932 йиллар) даврида Ўзбекистонда 298 та саноат корхонаси қурилиб, 79 та корхона қайта ташкил этилган бўлса, 1931 йили ҳокимият қарори билан Тошкент зонасида биринчи машинасозлик “Ташқишлоқмаш” трактор заводи ишга туширилди. Шу санадан бошлаб корхона тракторлар ва уларга керакли бўлган бутловчи қисмларни ишлаб чиқара бошлади⁷.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ўзбекистонда машинасозлик саноати пайдо бўлиши ва тараққий этиши совет ҳокимияти билан боғлиқ жараёнлар сирасига кирувчи воқеелик ҳисобланади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кузьмин Б.А. Техникумы и училища СССР. –М.: Высшая школа, 1966.
2. Ахмедов А., Сайдаминова М. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. Иккинчи тўлдирилган нашри. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –Б. 23.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ. 2000. –Б. 339-340.
4. Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917 – 1941 й.). –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012. –Б. 203.
5. <http://uz.denemetr.com/>

INNOVATIVE
ACADEMY

⁶ Кузьмин Б.А. Техникумы и училища СССР. –М.: Высшая школа, 1966. –Б. 34.

⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ. 2000. –Б. 340